

КЎП ТАРМОҚЛИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА БОШҚАРУВНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ НАТИЖАСИ

Мухитдинов Шухрат Зиявитдинович
Наманган муҳандислик-технология институти “Иқтисодиёт” кафедраси
доценти (PhD)

E-mail: shuhrat_uzb@bk.ru

Аннотация. Мазкур мақолада мамлакатда қишлоқ хўжалиги соҳасида тизимлашган ислохотларни амалга ошириш ва бугунги кунда қишлоқ хўжалиги тадбиркория деб аталаётган фермер хўжаликларни барқарор ривожлантириш масалари ёритилган. Фермер хўжаликларни кўп тармоқли фермер хўжаликларга айлантириш келажакда ишлаб чиқариш интеграцияларини самарали фаолиятини йўлга қўйиш бўйича тегишли тавсиялар ёртилган. Шунингдек мақолада кўп тармоқли фермер хўжалигини бошқарув самарадорлигини аниқлашни эконометрик моделлаштириш тадқиқоти амалга оширилган.

Калит сўзлар: кўп тармоқли фермер хўжалиги, бошқарув, меҳнатни бошқариш, ялпи маҳсулот, регрессия.

Кириш

Жаҳон иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашда миллий иқтисодиёт таркибий тузилмаларининг самарали шаклланиши, жумладан, иқтисодиётнинг тармоқ ва секторлари, турли кўламдаги ишлаб чиқариш бирлашмалари, корхоналар ўртасидаги ўзаро муносабат ва мувофиқ хўжалик алоқаларининг амал қилиши муҳим ўрин тутаяди. Айниқса, рақобатнинг кучайиши ва иқтисодий фаолиятнинг диверсификациялашуви шароитида кўп тармоқли хўжалик тузилмаларининг аҳамияти катта бўлиб, улар фаолиятини самарали бошқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда кўп тармоқли хўжалик тузилмалари фаолиятини самарали ташкил этиш ва бошқариш иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим бўғинини ташкил этади. Бу борада кўп тармоқли фермер хўжаликлари, яъни “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан биргаликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш, саноат ишлаб чиқариши, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва фаолиятнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турлари билан шуғулланувчи” [1] хўжаликлар фаолиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқариш миқёсларини ўстириш, диверсификация даражасини кучайтириш мақсадади мамлакатимизда фаолият кўрсатиб келаётган фермер хўжаликларини кўп тармоқли фермер хўжаликларига айлантирилмоқда. Бу эса ўз навбатида чекка қишлоқ жойларида биринчи навбатда аҳолини иш билан таъминлаш, ишлаб чиқариш ҳамда сервис хизмат кўрсатиш тизимларини самарадорлигини оширишга имкон яратади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Менежмент асосини ташкил этган қонун қоидалар, меҳнат тақсимоли, бошқарувнинг табақалашуви ва кўп бўғинлилиги ҳамда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқларида бошқариш бўйича А.Файоль, Г.Эмерсон, Г.Форд, Ф.Тэйлоришлаб чиқариш ва бошқарувнинг барча муаммоларга инсон муносабатлари

нуқтаи назари тўғрисида Е.Маю, Ф. Дж. Ротлисбергера, Уильяма Дж. Диксона ва кўпроқ аниқ вазиятларни таҳлил этиш билан П.Ф.Друкер, Е.Р.Миллер, С.Хейман, Т.Түлеха, П.Недиргард, Э.Касл, М.Беккер, А.Нельсонлар тадқиқотлар олиб боришган [2].

МДХ давлатларида З.Н.Козенко, И.А.Петерс, И.А.Шмырева, А.Гешель, И.Н.Кравовская, Ю.Ю.Слушкина, В.И.Маколев, О.С.Сухарев, С.В.Шманев ва Д.В.Ходослар айнан мавзу доирасида қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида бошқарув механизмлари, самарадорликка таъсир этувчи омиллар бўйича илмий изланишлар олиб борганлар [3].

Мамлакатимизда мураккаб ташкилотларни бошқариш, меҳнат жамоасининг муваффақиятини таъминлаш сир-асрорларини ҳамда менежмент бошқарув фаолиятининг умумий қонуниятлари ва тамойиллари, бошқарув бўғинининг аниқ вазиятлардаги ҳаракатлари бўйича С.С.Фуломов, М.Шарифхўжаев, Ё.Абдуллаев, Ш.Н.Зайнутдинов, Г.Н.Ахунова, Н.Йўлдошев. ва Э.Қўлдошев каби олимларнинг ишларида кўриш мумкин [4].

Ушбу олимлар томонидан тақлиф этилган моделларда тармоқ ва корхоналарга тақсимланадиган инвестицияларнинг ноаниқлик, хатарлилик ҳамда таваккалчилик чегаралари, модернизациялаш шароитлари ҳисобга олинмаган. Муаллиф томонидан тақлиф этилаётган эконометрик ва иқтисодий-математик моделлар тизими юқорида келтирилган ҳолатлар билан бирга миллий иқтисодиётнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболдаги ривожланиш йўналишларини, корхоналарни модернизациялаш ва техник-технологик қайта жиҳозлаш шартларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиши илмий-амалий қизиқиш уйғотади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотда иқтисодий, қиёсий, таҳлил қилиш ва танлама кузатиш, статистик ҳамда кўп омилли эконометрик таҳлил услублари, прогнозлаш ва бошқа усуллар қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, 2050 йилга бориб озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб 60 фоизга ошиши кутилмоқда. Бу, бутун дунё бўйлаб қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тизимига иқлим ўзгариши, табиий ресурсларнинг чекланганлиги ва талабнинг янги турларининг пайдо бўлиши шароитида жиддий муаммо туғдирмоқда. Ривожланаётган мамлакатларда эҳтиёжларни қондириш учун озиқ-овқатнинг катта қисмини ишлаб чиқарувчилар сифатида кичик ишлаб чиқарувчилар етакчи роль ўйнаши кузатилади.

Сўнги 20-40 йил ичида эришилган ютуқлар кичик ишлаб чиқарувчиларнинг ишларига асосланади [5]. Худди шу даврда кичик фермерлар йирик фермер хўжаликларига қараганда самаралироқ ишлашга интилдилар. Келажакда кичик ишлаб чиқарувчиларнинг фаолиятининг самарадорлиги меҳнат талаб қиладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда самаралироқ бўлиши мумкин.

Жаҳон озиқ-овқат тизими кейинги 40 йил ичида турли омилларнинг мисли кўрилмаган босимида дуч келади. Истеъмол жиҳатидан дунё аҳолиси бугунги кунда тахминан етти миллиарддан 2030 йилга қадар саккиз миллиардга, 2050 йилга келиб тўққиз миллиардга етиши эҳтимоли кутилмоқда. Бу вақт орасида кўп одамлар янада фаровон ҳаёт кечиришлар кутилмоқда, бу эса ишлаб чиқариш учун қўшимча ресурсларни талаб қиладиган юқори сифатли хилма-хиллик талабини яратади (1-жадвал).

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг асосий кўрсаткичлари¹

Кўрсаткичлар	2000	2005	2010	2015	2016	2017	2018
<i>Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, млрд. сўм</i>	1387,2	5978,3	30856,7	99604,6	115599,2	148199,3	192699,2
<i>Қишлоқ хўжалиги экинлари экин майдони, минг гектар</i>	3778,3	3647,5	3708,4	3694,2	3706,7	3474,5	3396,0
<i>Деҳқончилик, млрд. сўм</i>	696,8	3323,1	18119,0	55429,2	61755,1	83303,4	102495,1
<i>Чорвачилик, млрд. сўм</i>	690,4	2655,2	12737,7	44175,4	53844,1	64895,9	90204,1

1-жадвал маълумотларидан кўринадик, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида 2000 йилда 1387,2 млрд. сўмлик маҳсулот етиштирилиб, унинг 50,2 фоизи 696,8 млрд. сўмлик деҳқончилик ва 49,8 фоизи 690,4 млрд. сўм чорвачилик маҳсулотлари 3778,3 минг гектар қишлоқ хўжалиги экинлари экин майдони бўлган ҳолатда ишлаб чиқилди.

2018 йилга келиб қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 2000 йилга нисбатан 38,9 баробар ўсиб 192699,2 млрд. сўмга етди. Бунда деҳқончилик 53,2 фоиз 83303,4 млрд. сўм ва чорвачилик маҳсулотлари 46,8 фоиз 64895,9 млрд. сўмни ташкил этди. Бу вақтда қишлоқ хўжалиги экинлари экин майдони 2000 йилга нисбатан 2018 йилда 382,3 гектарга камайган бўлиб, бундай ижобий натижага эришиш асосан интенсив ривожланиш орқали яъни, ерларни мелиоратив яхшилаш ва сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш асосида самарали ишлаб чиқаришни йўлга қўйилганлигидан далолат беради.

Кўп тармоқли фермер хўжаликларини етарли даражада самарали ташкил этиш орқали қишлоқ жойларини ривожлантиришда юзага келадиган (аҳоли даромадини ошириш, бандлигини таъминлаш ва бошқалар) муаммосини ҳал этиш мумкин бўлиб, бу борада биринчи навбатда юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва фермер хўжаликлари раҳбарларини малакасини ошириш лозим.

Таҳлил натижаларидан келиб чиққан ҳолда кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини самарадорлигини ошириш учун бир қатор устувор вазифаларни амалга ошириш лозим. Жумладан:

- қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишни мувозанатлаштириш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳосилдорлигини ошириш;
- қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун экспорт имкониятларидан максимал фойдаланиш;
- қишлоқ хўжалигини молиялаштириш учун бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;
- фермер хўжаликларининг ерга эгалик қилиш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- кўп тармоқли фермер хўжаликларини самарали бошқариш механизмларини такомиллаштириш, бошқаришнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш.

Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши билан биргаликда унинг тармоқ таркибини ривожлантириб бориш бугунги даврнинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Шу маънода тадқиқот ишида мавзу доирасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликларининг ялпи маҳсулоти ҳажмининг ўзгаришига омиллар таъсирини ўрганиш масадга мувофиқ бўлиб, бунинг учун фермер хўжалиги

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

маҳсулоти – Ҳа таъсир этувчи омиллар сифатида қишлоқ хўжалигига киритилган инвестиция ҳажми – X_1 , ҳудуддаги аҳоли зичлиги (йил бошига, 1 кв.км га тўғри келадиган аҳоли сони). Аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар – X_2 , тармоқда аҳоли бандлиги сони – X_3 ва мамлакатдаги аҳоли зичлиги (йил бошига, 1 кв.км га тўғри келадиган аҳоли сони) – X_4 танлаб олинди ҳамда эконометрик регрессия тенгламаси аниқланиб таҳлили амалга оширилади (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликлари ялпи маҳсулоти ҳажмининг танланган омиллар ўртасидаги корреляцион коэффицентлари²

	Y	X1	X2	X3	X4
Y	1				
X1	0,752336	1			
X2	0,98506	0,787484	1		
X3	0,897593	0,515908	0,79501	1	
X4	0,957394	0,81823	0,954609	0,979945	1

2-жадвал маълумотларига кўра, барча омиллар натижавий омил қишлоқ хўжалиги маҳсулоти билан кучли зичликда боғланганлиги аниқланди аммо, мамлакатдаги аҳоли зичлиги (йил бошига, 1 кв.км га тўғри келадиган аҳоли сони) – X_4 омили бошқа омиллар билан ($r_{x_1,x_4} = 0,81823$, $r_{x_2,x_4} = 0,9546$ ва $r_{x_3,x_4} = 0,9799$) $r_{x_n,x_{n+1}} > 0,8$ шартга кўра, мультиколениарликни юзага келтирганлиги боис, модель ишончилиги ва адекватлигини таъминлаш мақсадида тадқиқотда мамлакатдаги аҳоли зичлиги омилини чиқариб ташлаймиз. Энди танланган кўрсаткичлар асосида ўлчов бирликлари турличалигидан логорифмга ўтиб оламиз ва регрессия тенгламасини аниқлаб, уни ишончли ва адекватлигини тешкириш учун Eviews дастуридан фойдаланиш билан жараённи давом эттирамиз (3-жадвал).

3-жадвал

Регрессия тенгламасининг коэффицентлари ва ишончилигининг мезонлар асосида текшириш

Dependent Variable: LNY
 Method: Least Squares
 Date: 12/03/20 Time: 12:32
 Sample: 2000 2019
 Included observations: 20

Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
LN X_1	0.442429	0.402704	1.098645655	0.0120
LN X_2	2.192569	0.940448	2.331409073	0.0329
LN X_3	0.039426	0.682030	0.057806841	0.0462
C	-13.44545	10.01737	-1.342123177	0.0094

t_{jad}=2,119905285

R-squared	0.959137	Mean dependent var	8.512908
Adjusted R-squared	0.951476	S.D. dependent var	2.030439

² Муаллиф ишланмаси

S.E. of regression	0.447270	Akaike info criterion	1.405550
Sum squared resid	3.200814	Schwarz criterion	1.604696
Log likelihood	-10.05550	Hannan-Quinn criter.	1.444425
F-statistic	125.1851	Durbin-Watson stat	1.845037
Prob(F-statistic)	0.000000	$F_{jad}=3,238871522$	


3-жадвал маълумотларидан келиб чиқиб, таъкидлаш жоизки, аниқланган (1)-регрессия тенгламаси қуйидагича ифодаланади:

$$\ln Y = 0,44 \ln X_1 + 2,19 \ln X_2 + 0,04 \ln X_3 - 13,454445 \quad (1)$$

Ушбу (1)-логорифмик тенгламани чизиқли тенгламага келтириш учун потенциаллаб олмамиз ва унга кўра (2.1)-логорифмик тенглама қуйидагича кўринишга эга бўлади:

$$Y = \frac{X_1^{0,44} * X_2^{2,19} * X_3^{0,04}}{e^{13,454445}} \quad (1^*)$$

Аниқланган (1*)-тенгламанинг аҳамиятлилигини $\alpha = 0.05$ $k_1=3$, $k_2=16$ бўлганда $F_{jad}=3,239$ ҳолат учун текшираамиз. Жадвал маълумотларига кўра, $F_{чис}=125,2$ га тенглиги ва $F_{чис} > F_{жад}$ шарт бажарилганлигидан аниқланган (1*)-регрессия тенгламаси аҳамиятли аммо, ($t_{жад}=2,12 > t_{x1}=1,0986$; $t_{x3}=0,058$) $t_{жад} > t_{чис}$ шартга кўра ушбу параметрни $MAPE < 10$ ва $TIC < 1$ мезонлар билан текшираамиз (1-расм).



1-расм. Ўзгарувчининг ретроспектив прогноз сифатини баҳолаш³

Шартга кўра, $10\% < MAPE < 20\%$ - прогноз аниқлиги яхшилигидан ва $0 \leq TIC \leq 1$ фойдаланиб, $MAPE=4,83 < 10$ ва $TIC=0,026 < 1$ га тенглигидан X_1 , X_3 параметрлар ҳам аҳамиятли экани исботланди ҳамда $DW = 1,85 \leq 2$ лигидан аниқланган (1*)-модель ишончли ва адекватлиги келиб чиқади.

(1*)-регрессия тенгламасига кўра, ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигига киритилган инвестиция ҳажмининг 1 млрд. сўмга ошириш фермер хўжаликлари ялпи маҳсулоти ҳажмининг 0,6 млрд. сўмга, аҳоли жон бошига умумий реал даромадини минг сўмга ошириш 5,6 млн. сўмга ва тармоқда бандлар сонини бир бирлик ошириш ҳисобидан 15,8 млн. сўмга қўшимча ошириш мумкинлиги аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси

³ Муаллиф ишланмаси

Қишлоқ хўжалиги тизимида паст рентабеллиги ва кам даромадли фаолиятининг асосий сабаби, ишлаб чиқаришни ўз ҳисоблари ва ўзлаштирилган маблағлар ҳисобидан ривожлантиришга, инвестицияларни қисқартириш, қишлоқ хўжалиги корхоналари ходимларининг иш ҳақининг пастлиги сабабли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларида сотиладиган маҳсулотлар ва саноат маҳсулотларининг баҳосидаги фарқлар юзага келади. Фермер хўжалигининг рентабеллик даражаси ходимларининг иш ҳақининг камлигининг таъсири мавжуд. Бу омил, асосан, минтақадаги фермер хўжаликларининг кўпчилиги учун рентабелликни сақлаб туриш деярли ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Агар ихтисослашган фермер хўжалигини кўп тармоқли кўп тармоқли фермер хўжалигига айлантирилса, бу ўз навбатида ишлаб чиқариш ҳажимини ортишига, тармоққа инвестицияларни жалб этилишига, ишчилар меҳнатининг мавсумийлигини олдини олишга ва фермер хўжаликларини иқтисодий жиҳатдан бақувват этилишига эришилади. Шунингдек қишлоқ хўжалиги соҳасида ишчи ходимларни рағбатлантириш ва меҳнатга бўлган иштиёқларини ошириш ҳамда маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ва таклифлар

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини комплекс ривожлантириш асосан маҳсулотларини етиштиришдан тортиб, уларнинг то охиригача истеъмолчига етиб боргунча бўлган оралиқдаги бўғинлар фаолиятини ягона мақсад сари мувофиқлаштирида кўп тармоқли фермер хўжаликларини самарали ишлаши ва бошқарилишининг ташкилий-иқтисодий механизмлари такомиллаштириш керак.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини маҳаллий ишлаб чиқарувчилар озиқ-овқатга бўлган талабни қондиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бу ҳолат айниқса “Яшил иқтисодиёт” даврида, кичик фермерларнинг янги технологияларни қўллаши, ҳосилдорликни ошириши ва асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳақиқий истеъмол нархларини пасайтириш ҳамда барқарорлаштириш учун етарлича озиқ-овқат ишлаб чиқариш алоҳида ўрин тутаяди. Бу эса ўз навбатида қишлоқ жойларда ишчи кучига бўлган талаб ошиши, қишлоқ аҳолисининг кам таъминланган қатлами учун иш ўринлари яратилиши комбинациясини ошириш имконини беради.

Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил қилиш асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қўшни фермер ва дехқон хўжалиги билан ҳамкорлик қилиш ва қишлоқ хўжалиги бошқарувнинг комплекс тузилмаларни ташкил этишга эришиш мумкин.

Мақолада Ўзбекистон Республикаси фермер хўжалиги маҳсулот ҳажмининг кўп омилли прогнозини юқорида аниқланган (1*)-регрессия тенгламасига кўра шунини аниқ айтиш мумкинки 2025 йилга бориб Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми 117180,1 млрд. сўмни, асосий капиталга инвестиция ҳажми 19560,7 млрд. сўмни ташкил этиб, тармоқда аҳоли бандлиги сони 2433,7 кишига етиши аниқланди

Хулоса қилиб айтганда жаҳон савдо ташкилоти таркибига киришда ва қишлоқ хўжалик кооперативлар яратишда агробизнес ва экспортчилар билан кооперацияси ҳамкорлигини рағбатлантириш асосида интеграциялашган ишлаб чиқариш қобилятларини ривожлантиришда дехқон ва кўп тармоқли фермер хўжаликларининг синергетик самарадорлигини ошириш лозим ва бунда бошқарувни самарали ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 ноябрдаги 972-сон қарорига илова. Кўп тармоқли фермер хўжаликлари реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисида Низом. - <https://lex.uz/docs/4086988>
2. Файоль А., Эмерсон Г., Тэйлор Ф., Форд Г. Управление - это наука и искусство. / Изд. Республика.-1992. -355.; Фредерик Уинслоу Тейлор. *Принципы научного менеджмента*. М: 1991. // Электронная публикация: Центр гуманитарных технологий. - 03.06.2010. URL: <https://gtmarket.ru/laboratory/basis/3631>; Е.Майо, Ф. Дж. Ротлисбергера, Уильяма Дж. Диксона "Management and the Worker: An Account of a Research Program Conducted by the Western Electric Company", Hawthorne Works, Chicago 1939. http://dps.smrtlc.ru/Sheldrake/11_Mayo.htm; Друкер П.Ф. Задачи менеджмента в XXI веке. М.: Вильямс, 2007.; Роберт Е. Миллер, Стивен Хейман, Тэд Тулеха Успешный менеджмент крупных сделок. // Изд. Лори, 2008.-304. ISBN 978-5-85582-266-3.; Nedergaard, Peter (July 2006). "[The 2003 reform of the Common Agricultural Policy: against all odds or rational explanations?](#)". *Journal of European Integration*. Taylor and Francis. 28 (3): 203–223. doi:10.1080/07036330600785749; КаслЭ., Беккер М., Нельсон А. Эффективность фермерского хозяйства. М.: Агропромиздат, 1991. 495 с.
3. Козенко, З. Н. Особенности экономической интеграции в аграрной сфере России / З.Н. Козенко, И.А. Петерс, И.А. Шмырева // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. — 2014. — № 1. — С. 45-47.; Гешель, А. Взаимовыгодное сотрудничество – путь к росту доходов сельхоз-товаропроизводителей / А. Гешель // АПК: экономика, управление. – 2008. – № 6. – С. 67-69.; Ходос, Д. В. Экономический механизм обеспечения устойчивого развития сельскохозяйственного производства региона/ Д.В.Ходос. – М., 2009.
4. Фуломов С.С. Менеджмент. – Т.: «Шарқ», 2002. – Б. 368.; Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менеджмент. Дарслик. – Т.: «Фқитувчи», 2001. – Б. 451.; Зайнутдинов Ш.Н. ва бошқалар. Менеджмент асослари. – Т.: «Молия», 2002; Ахунова Г.Н., Йўлдошев Н., Қўлдошев Э. Менеджмент асослари. – Т.: «Иқтисодиёт», 2008. – Б. 6.
5. Будущее продовольствия и сельского хозяйства: Цели и альтернативы глобального устойчивого развития. <https://assets.publishing.service.gov.uk>
6. Nabijonovna, B. F. (2020). THE ECONOMIC CONTENT OF SMALL BUSINESS AND ENTREPRENEURSHIP. *International Engineering Journal For Research & Development*, 5(4), 3-3.
7. Байбобоева, Ф. Н. (2015). Международный опыт создания эндаумент-фондов. *Научная перспектива*, (8), 50-52.
8. Мухитдинов, Ш. З. (2019). ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕХАНИЗМОВ ЭФФЕКТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ МНОГОПРОФИЛЬНЫМИ ФЕРМЕРСКИМИ ХОЗЯЙСТВАМИ В УЗБЕКИСТАНЕ. In ФОРМИРОВАНИЕ ИННОВАЦИОННОЙ ЭКОНОМИКИ БУДУЩЕГО (pp. 54-58).
9. Rahmatullo, R. (2016). Sectoral specificities by application of resource saving technology in cotton growing. *Economics*, (8 (17)).
10. Alojnovich, R. R., & Sardorbek, O. (2021). THEORETICAL BASES OF INCREASE OF ECONOMIC EFFICIENCY OF USE OF RESOURCESAVING TECHNOLOGIES IN THE COTTON INDUSTRY. *International Engineering Journal For Research & Development*, 6(ICDSIIL), 5-5.